

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

26 ноябрь 2018 й.г. № 958

Toshkent sh.

**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот
базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофазалаш соҳасида илмий-тадқиқот базасини янада ривожлантириш, атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини камайтиришни таъминловчи энг янги услуб ва технологияларни ишлаб чиқиш учун шароитлар яратиш, биологик ранг-барангликни сақлаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш, шунингдек, илмий кластер ташкил этиш йўли билан табиатни муҳофаза қилишга қаратилган рақобатбардошли ускуна ва саноат тизимларини маҳаллий тажриба-конструкторлик ва серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) этиб давлат муассасаси шаклида қайта ташкил қилинсин.

2. Институт фаолияти аниқ илмий гоя ишлаб чиқиш, уни тажриба намунасида рўёбга чиқариш, зарур бўлган синовлар ва ишлаб чиқаришга жорий этишни ўз ичига олган кластер моделининг тўлиқ туркумини қамраб олиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

атроф-муҳитнинг жорий ҳолатини, ифлослантирувчи моддаларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларига таъсирини таҳлил қилиш масалалари бўйича чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотларини ўтказиш;

атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини камайтириш, биологик биохилмаҳилликни сақлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилишни таъминловчи мутлақо янги ва самарали услуб ва технологияларни ишлаб чиқиш;

маиший ва саноат учун мўлжалланган атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини камайтиришни таъминловчи, шунингдек, чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш бўйича техник воситаларни ишлаб чиқиш, тажриба-конструкторлик жиҳатидан ишлаб чиқариш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илғор хорижий технологиялар ва инновацияларни мослаштириш ва амалиётга татбиқ этиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича талаб ва стандартларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида хорижий илмий-тадқиқот муассасалари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, илмий конференциялар, семинарлар, қўшма тадқиқотлар, лойиҳалар, ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни ўқитишни ташкил этиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида энг яхши оммабоп технологияларнинг ҳар йилги каталогини тайёрлаш;

халқаро стандартлар даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги олий ўқув муассасалари ўқитувчилари ҳамда мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Институт ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институтининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

бир ой муддатда илмий-техника лойиҳалари мавзуларини, конструкторлик-технологик ишланмаларни, асбоб-ускуналарни ва Институтнинг бошқа мол-мулкани келгусида амалга ошириш ва фойдаланиш учун зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан тўлиқ хатловдан ўтказсин ва танқидий таҳлил қилсин;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига келиб тушадиган маблағларнинг камида 5 фозининг Институт фаолиятини молиялаштириш учун ажратилишини таъминласин.

7. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотлар грантлари;

хўжалик фаолиятидан тушадиган маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Тошкент вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Институтга тажриба станцияси ташкил этиш учун Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани доирасида жами 3 гектар ер майдони ажратсин.

9. “Сувсоз” ДУК, “Олмалик кон- металлургия комбинати” АЖ ва “Навоий кон-металлургия комбинати” ДКга Институт билан меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги меъёрларига қатъий риоя қилган ҳолда атмосфера ҳавоси, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини самарали камайтиришни таъминловчи саноат учун мўлжалланган техника воситалари намуналарини тўсқинликсиз синовдан ўтказиш имкониятини назарда тутувчи ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар тузиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019-2020 йилларда Инновацион ривожлантириш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2019-2020 йилларда Институт учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган илмий-лаборатория ускуналарини ҳамда реагент ва бутловчи материалларни 2 ва 3-иловалардаги рўйхат бўйича харид қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Қўчқоров зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 ноябрдаги
958-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги
Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялар илмий-тадқиқот институтининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ва инновацион ишлар ҳажмига боғлиқ бўлади ва 45 нафарни, шу жумладан илмий ходимлар - 23 нафарни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 ноябрдаги
958-сон қарорига
2-илова

**2019-2020 йилларда Инновацион ривожлантириш ва новаторлик ғояларини
қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган
илмий-лаборатория ускуналарининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	ТИФ ТН коди
1.	Роторли микроцентрифуга	дона	1	8421192009
2.	Спектрофотометр	дона	1	9027300000
3.	Суюкли хроматограф	дона	1	9027200000
4.	Вакуумли қуритиш жавони	дона	1	8419390009
5.	Муфел печи	дона	1	8514108000
6.	Термореактор LT 200 (тўлиқ тўплами)	дона	1	8419899890
7.	Термореактор CR 4200	дона	2	8419899890
8.	Анализатор БПК	дона	1	9026202000
9.	Спектрофотометр	дона	1	9027300000
10.	Спектрофотометр DR 2800	дона	2	9027300000
11.	Лаборатория рН-метри	дона	2	9027801100
12.	Лаборатория рН-метри /милливольтметр/термометр (рН/mV/T)	дона	1	9027801100
13.	Ихчам, аниқлик даражаси юқори бўлган оксиметр	дона	1	9027801700
14.	Ихчам, сув ўтказмайдиган мультипараметрли рН- метри /кондуктометр/термометр/ОВП-метр/кислород ўлчагичи (рН/EC/TDS/ORP/T)	дона	1	9027801700
15.	Лаборатория мультипараметрли асбоби	дона	1	9027801100
16.	Лаборатория ифлослик даражасини ўлчагичи	дона	1	9027500000
17.	Электрон таҳлилий тарозилар	дона	3	9016001000
18.	Ўзгарувчан ток тўғрилагичи: I 20 а. гача , U 20 в. гача.	дона	2	8504408200
19.	Флокулятор	дона	2	8479820000
20.	Намлик анализатори	дона	1	9025804000
21.	Перисталли насослар(SP 311/2-2-35 мл/ дақ., SP 311/6- 2-135 мл/ дақ.)	дона	5	8413602000
22.	200 мл сифимгача эга бўлган лаборатория фотореактори	дона	1	7017100000
23.	Кимёвий чўзиш жавонлари	дона	5	8414808000
24.	Дистиллятор	дона	3	8419400009
25.	Лаборатория микроскопи	дона	1	9011109000
26.	Кислородни ва электрўтказувчанликни аниқлаш учун қурилма	дона	1	9027801100
27.	Юқори сифимли центрифуга	дона	1	8421192009
28.	Мини-центрифуга	дона	1	8421192009

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 ноябрдаги
958-сон қарорига
3-илова

**2019-2020 йилларда Инновацион ривожлантириш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган реагентлар ва бутловчи материалларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	ТИФ ТН коди
I. Реагентлар				
1.	Азоткислотали калий	кг.	5	3507909018
2.	Азоткислотали натрий	кг.	5	3507909026
3.	Азоткислотали никель	кг.	15	3507909021
4.	Азоткислотали темир	кг.	25	3507909014
5.	Азоткислотали кобальт	кг.	15	3507909012
6.	Азоткислотали кальций	кг.	5	3507909017
7.	Азоткислотали магний	кг.	5	3507909005
8.	Азоткислотали алюминий	дона	10	3507909000
9.	Ишқорли аммоний молибденлар	кг.	5	7172541877
10.	Ишқорли хром молибденлар	кг.	5	7172541879
11.	Азоткислотали рух	кг.	5	3507909001
12.	Азоткислотали мис	кг.	5	35079090022
13.	Қил найчаси (капилляр) 3130, 16 сар x 36 см	дона	5	9027905000
14.	Чумоли кислотаси	кг.	5	5956453768
15.	Сирка кислотаси	кг.	5	5956453961
16.	Глицерин	кг.	6	2905450009
17.	Изопропанол	л.	10	2905120000
18.	Магний сульфати	кг.	5	2833210000
II. Ишлатиладиган материаллар				
1.	Фалкон туридаги пластик пробиркалар, 15 мл x 500	дона	100	3926 90 970 9
2.	Петри стерилланган косачалар Petri dish, 100 mm x 15 mm (polystyrene)	дона	20	3926 90 970 9
3.	Пластмасса стаканлар (1 л, 500 мл, 250 мл, 100 мл, 50 мл)	дона	50	3926 90 970 9
4.	Полипропилен контейнер 591 мл	дона	1	3923 90 000 0
5.	Реактивлар учун идиш, 100 мл x 4	дона	4	7010 90 570 0
6.	Реактивлар учун идиш, 250 мл x 4	дона	4	7010 90 670 0
7.	Реактивлар учун идиш, 1 л x 4	дона	4	7010 90 510 0
8.	Реактивлар учун идиш, 500 мл x 4	дона	10	7010 90 530 4

9.	Шишали колбалар, 1 л	дона	10	7017 90 000 0
10.	Шишали колбалар, 250 мл	дона	10	7017 90 000 0
11.	Шишали стаканлар, 1 л х 6	дона	6	7017 90 000 0
12.	Индикатор қоғози pH	дона	5	3822 00 000 0
13.	Спектрофотометр учун ўйикли анжомлар	дона	1	9027 90 500 0
14.	pH метри учун электродлар	дона	3	9027 90 500 0
15.	0,1 мл. ли автоматик микропипетка пойнаклари	дона	5	3926 90 970 9
16.	pH метри учун буфер эритмалари: pH 4,01	дона	3	3822 00 000 0
17.	pH метри учун буфер эритмалари: pH 7,0	дона	3	3822 00 000 0
18.	pH метри учун буфер эритмалари: pH 10,01	дона	3	3822 00 000 0
19.	ICP Magnesium Mg учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
20.	ICP Aluminium Al учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
21.	ICP Sodium Na учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
22.	ICP Calcium Ca учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
23.	ICP Potassium K учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
24.	ICP Iron Fe учун учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
25.	ICP Multi-element 1.11355.0100 учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
26.	ICP Multi-element 1.09480.0100.2 учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
27.	ICP Cadmium Ca учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
28.	ICP Lead Pb учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
29.	Нефт маҳсулотларига мўлжалланган газ хроматографи учун стандарт эритма	дона	2	3822 00 000 0
30.	150, 200, 250 мм диаметрили пластик эксикаторлар	дона	15	3923 90 000 0
31.	Силикон пробиркалар (тўлиқ тўплам)	тўплам	10	3923 50 900 0
32.	1000 мл САН дан даражалаш цилиндрлари	дона	10	3926 90 970 9
33.	Лаборатория қўлқоплари (вулқонлашган резинадан тайёрланган)	дона	20	4015 19 000 0
34.	Шприц насадкалари	дона	100	3926 90 970 0
35.	Дастлабки филтрлар	дона	1	8421 21 000 9
36.	Алмашинадиган тозалаш блоки	дона	1	8421 21 000 9